

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Абдуллаева Кимё Адилевна

Учтепа тумани 341-Давлат мактабгача
таълим ташкилоти директори

Аннотация. Ушбу мақолада мактабгача таълим ташкилотларида инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласи таҳлил этилган. Глобаллашув шароитида педагоглар, тарбиячилар, психологлар ва бошқа мутахассисларнинг малакаси, касбий компетенцияси ҳамда психологик тайёргарлиги таълим сифатига бевосита таъсир кўрсатиши илмий нуқтаи назардан асослаб берилди. Тадқиқот жараёнида Ўзбекистонда инсон ресурсларини бошқариш бўйича жорий этилаётган малака ошириш дастурлари, замонавий педагогик технологиялар, “Устоз–шогирд” тизими ва хориж тажрибаси асосида яратилган методикалар ўрганилган. Шунингдек, меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи моддий-техник, ташкилий ва психологик омиллар таҳлил қилиниб, инсон ресурсларидан оқилона фойдаланишга доир амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Мактабгача таълим, инсон ресурслари, педагог кадрлар, меҳнат унумдорлиги, бошқарув, касбий компетенция, психологик тайёргарлик, таълим сифатини ошириш.

Бугунги глобаллашув жараёнида ҳар бир соҳада бўлгани каби, мактабгача таълим тизими ҳам инсон ресурсларидан самарали фойдаланишни талаб қилмоқда. Чунки айнан мактабгача таълим ташкилотларида ишлайдиган педагоглар, тарбиячилар, психологлар, логопедлар ва ёрдамчи ходимлар болаларнинг келажакдаги шахс сифатида шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Инсон ресурсларини тўғри бошқариш эса таълим сифати, болаларнинг ривожланиши ва ташкилотнинг умумий самарадорлигини белгилайди.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, боланинг интеллектуал ва руҳий ривожланишининг 70% гача бўлган қисми 3–6 ёш оралиғида шаклланади. Демак, бу жараёнда энг катта масъулият таълим ташкилотидаги ходимларга юкланади. Уларнинг:

- малакаси,
- психологик тайёргарлиги,
- болалар билан ишлаш услублари,
- замонавий педагогик технологияларни билиши

мактабгача таълимнинг сифатига бевосита таъсир қилади. Шу сабабли сўнгги йилларда Ўзбекистонда мактабгача таълим соҳаси бўйича **махсус малака ошириш дастурлари**, психологик тренинглар. Педагогларни болаларга таълим беришни ўйинлар орқали ташкил этиш бўйича ҳам бир қатор илмий-амалий конференцияларнинг ташкил этилганлиги бунинг яққол мисолидир. Ҳозирги кунда мактабгача таълим ёшдаги болаларга таълим бериш бўйича бир нечта методологик дарсликлар ва китоблар яратилган.

Республика миқёсида қўлланилаётган уч асосий тамойил мактабгача таълимга ҳам тўлиқ тааллуқли бўлган сиёсатдир: 1)Ижтимоий йўналтирилган бандликни шакллантириш. Ҳозирги кунда кўплаб ҳудудларда мактабгача таълим ташкилотларида ортиқча юклама ёки аксинча – кадрлар етишмаслиги кузатилади. Айрим қишлоқ ҳудудларида тарбиячи бир вақтда икки гуруҳ билан ишлашга мажбур, бу эса сифатни пасайтиради.

Шунинг учун инсон ресурсларини:

- хуудлар кесимида қайта тақсимлаш,
- малакали кадрлардан тўғри фойдаланиш,
- кишлоқ жойларга ёш мутахассисларни жалб қилиш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. 2) Ходимларнинг сифат жиҳатини ошириш. Мактабгача таълим соҳасида ишловчилар учун сифат кўрсаткичлари қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- педагогик билим даражаси;
- замонавий технологиялардан фойдаланиш қобилияти;
- болалар билан психологик ишлаш маҳорати;
- ота-оналар билан самарали ҳамкорлик.

Бугун республикада 100 мингдан ортиқ мактабгача таълим ходимлари фаолият юритади. “Устоз–шоғирд”, “Мактабгача таълим – 2030” стратегияси, онлайн курслар, Финляндия ва Жанубий Корея тажрибасига асосланган дастурлар уларнинг малакасини оширишга хизмат қилмоқда. 3) Инсон ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш. Мактабгача таълим ташкилотида бошқарув қандай бўлса, таълим сифати ҳам шунга яраша бўлади. Бошқарув жараёнига қуйидагилар киради:

- ходимлар фаолиятини режалаштириш;
- мотивация ва рағбатлантириш;
- малака оширишни тизимли йўлга қўйиш;
- ишчи кучини тўғри тақсимлаш;
- самарадорликни мониторинг қилиш.

Кўплаб ривожланган давлатларда (масалан, Япония, Сингапур, Канада) мактабгача таълим раҳбарлари алоҳида бошқарув курсларини ўтайди. Ўзбекистонда ҳам бу йўналиш бўйича ўқув дастурлари босқичма-босқич жорий қилинмоқда. 4) Мактабгача таълимда меҳнат унумдорлигини оширувчи омиллар. Меҳнат унумдорлиги деганда фақат иқтисодий натижа эмас, балки педагогнинг бир кунлик фаолияти натижасида бола қанча ривожланган, нимани ўрганган, қандай кўникма ҳосил қилган деган мезонлар тушунилади.

Ушбу жараёнга таъсир қилувчи омиллар қуйидагилар ҳисобланади:

Моддий-техник омиллар:

- замонавий ўқув хоналари,
- интерактив доскалар,
- дидактик материаллар,

Ташкилий омиллар:

- гуруҳлар сони баланслашган бўлиши,
- жадвалнинг тўғри тузилиши,
- тарбиячилар ўртасида вазифа тақсимооти аниқ бўлиши.

Ижтимоий-психологик омиллар:

- жамоада соғлом муҳит,
- тарбиячининг касбий мотивацияси,
- болаларга меҳр ва педагогнинг ҳиссий барқарорлиги.

Тажрибаларда қайд этилишича, касбий куйиш синдроми мактабгача таълим ходимларида энг кўп учрайди. Бу эса сифатга бевосита таъсир қилади. Шу боис мотивацион тренинглар ва психологик қўллаб-қувватлаш механизмлари жуда муҳим. Инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш бо'йича амалий таклифлар.

а) Тарбиячилар сонини хуудлар бўйича қайта тақсимлаш

Кишлоқ жойларда ишчи кучи етишмайди, шаҳарда эса аксинча ортикча юклама бор. Бу номутаносибликни бартараф этиш зарур.

Масофавий курслар, Финляндия моделига асосланган методикалар, интерфаол машғулотлар амалиётга кўпроқ жорий қилиниши керак.

б) Мотивацион пакетларни кучайтириш

- қўшимча устамалар,
- сертификатлаш орқали ойлик ошириш,
- психологик қўллаб-қувватлаш,
- ижодий танловлар ташкил этиш.

с) Бошқарувчиларни махсус тайёргарликдан ўтказиш

Менежерлик, стрессни бошқариш, инкирозли вазиятларда қарор қабул қилиш кўникмалари раҳбарлар учун шарт.

д) Ота-оналар билан ҳамкорликни кучайтириш

Инсон ресурслари фақат ходимлар эмас- ота-оналар ҳам таълим жараёнининг фаол иштирокчиси. “Оилавий боғча” лойиҳалари бу масалани осонлаштирмоқда.

Хулоса. Мақолада мактабгача таълим ташкилотларида инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш таълим сифатининг асосий омилларидан бири экани таъкидланди. Кадрлар малакасини ошириш, ҳудудлар бўйича тўғри тақсимлаш, мотивация тизимларини кучайтириш, раҳбарларнинг менежерлик кўникмаларини ривожлантириш ҳамда психологик қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш мактабгача таълим самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат унумдорлиги нафақат иқтисодий кўрсаткичлар, балки боланинг ривожланиши ва таълим жараёнида олган кўникмалари орқали баҳоланиши кераклиги қайд этилди. Мазкур йўналишда тизимли бошқарув, замонавий педагогик методлар ва илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш инсон ресурсларининг самарадорлигини сезиларли даражада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”. — Тошкент, 2023.
2. Ҳасанбоева, О., Йўлдошева, Ш. *Мактабгача таълим педагогикаси*. — Тошкент: ТДПУ нашриёти, 2021.
3. Абдурахмонова, Г. “Мактабгача таълимда кадрлар салоҳияти ва бошқарув тизими.” — *Таълим ва Инновация* журнали, 2022.
4. OECD. *Early Childhood Education and Care: Workforce Development Report*. — Paris, 2020.
5. Finland National Agency for Education. *Early Childhood Education Curriculum Framework*. — Ҳелсинки, 2021.
6. Армстронг, М. *Human Resource Management Practice*. — Лондон: Коган Паге, 2020.
7. Маслова, Э. “Инсон ресурслари психологияси ва касбий мотивация.” — Москва: Юрайт, 2019.
8. Сингапур Таълим вазирлиги. *Early Years Workforce Standards*. — Сингапур, 2021.